

10-10-2020

THE ROLE OF INDEPENDENT EDUCATION IN THE FORMATION OF PROFESSIONAL COMPETENCIES OF PROSPECTIVE SPEECH THERAPISTS

Madina Sobirkhonovna Mahmudova
Assistant KSPI

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Mahmudova, Madina Sobirkhonovna (2020) "THE ROLE OF INDEPENDENT EDUCATION IN THE FORMATION OF PROFESSIONAL COMPETENCIES OF PROSPECTIVE SPEECH THERAPISTS," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 2 : Iss. 10 , Article 66.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol2/iss10/66>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

THE ROLE OF INDEPENDENT EDUCATION IN THE FORMATION OF PROFESSIONAL COMPETENCIES OF PROSPECTIVE SPEECH THERAPISTS

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ISSN:2181-0427

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



2020 йил 10 сон

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ДАВРИДА БЎЛАЖАК ЛОГОПЕДЛАРНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Махмудова Мадина Собирхоновна

Ассистент ҚДПИ

E-mail: madinaferuza00@mail.ru

Аннотация: Мақола доирасида бўлажак логопедларнинг касбий компетенцияларини ривожлантиришда мустақил таълим даврининг тугган ўрни хусусида фикр юритилган. Мустақил таълим даврида талабаларнинг касбга оид фаолиятлари натижаларини сифат жиҳатдан баҳолаш мезонлари ёритилган.

Калит сўзлар: Логопед, касбий компетенция, мустақил таълим, коррекцион билим, касб этикаси

РАЗВИТИЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ КОМПЕТЕНЦИЙ БУДУЩИХ ЛОГОПЕДОВ В ПЕРИОД САМОСТОЯТЕЛЬНОГО ОБУЧЕНИЯ

Махмудова Мадина Собирхоновна

Ассистент КППИ

E-mail: madinaferuza00@mail.ru

Аннотация: В статье рассматривается роль периода самостоятельного обучения в развитии профессиональных компетенций будущих логопедов. Описаны критерии качественной оценки результатов профессиональной деятельности студентов в период самостоятельного обучения.

Ключевые слова: Логопед, профессиональная компетентность, самостоятельное образование, коррекционные знания, профессиональная этика

THE ROLE OF INDEPENDENT EDUCATION IN THE FORMATION OF PROFESSIONAL COMPETENCIES OF PROSPECTIVE SPEECH THERAPISTS

Mahmudova Madina Sobirkhonovna

Assistant KSPI

E-mail: madinaferuza00@mail.ru

Annotation: The article discusses the role of the period of independent education in the development of professional competencies of future speech therapists. Criteria for qualitative assessment of the results of students' professional activities during the period of independent study are described.

Keywords: Speech therapist, professional competence, independent education, correctional knowledge, professional ethics

Кириш. Бўлажак логопедларнинг касбий компетенцияларини турли таълим шакллари ва воситалари орқали ривожлантириш муаммосини ҳар томонлама илмий-назарий ўрганиш жараёни бу йўналишда хорижий ҳамда педагогика ривожланишининг турли даврлари олимларининг бу масаладаги қарашларини ҳам ўрганишга эҳтиёж туғдирди. Чунки компетенция ўқитувчининг юқори сифат

кўрсаткичли фаолият даражаси сифатида тавсифланар экан, ўқитувчилик, унга қўйилувчи талаблар, ўқитувчи шахси ва бошқа тушунчаларнинг амалиётда қўлланилиши ҳозирги кундаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

ОТМ ларда мустақил таълим жараёнида бўлажак логопедларнинг касбий компетенцияларини ривожлантириш бўйича иш турлари ва йўналишларини белгилашда касбий фаолият билан боғлиқ йўللарни танлаш лозим. Шундагина талабалар келажақда касбий фаолиятни амалга ошириш учун етарли билим, кўникма ва тажрибаларни намоён эта оладилар.

Манбаларда келтирилишича, профессионал моҳирлик бевосита қобилиятлар ва шахснинг ижодий ўзига хослигига боғлиқ бўлади. Касбий компетентлилик одамнинг умумий, махсус (ОТМ да аудитория ва ундан ташқари) олган таълими ва амалиётда олган билимлари, кўникмалари ва маҳорати билан уйғунлашиб кетади. Шунинг учун ҳам мустақил таълим айнан табаларда соҳага оид маҳорат элементлари ва тажрибаларни эгаллаш имконини беради.(1, Б 161)

С.Ю.Маҳмудов касбий тайёргарликка баҳо бериб, қуйидаги фикрни айтади: “Шахснинг профессионал хусусиятлари, шундайлигича педагогик қобилият ҳисобланмайди, лекин улар унинг мазмуни ва тузилишининг ажралмас қисмидир. Эришилган натижаларнинг самаралилиги, тезлиги ва юқорилиги, билимлар, кўникмалар ва маҳорат каби индивидуал сифатлар билан биргаликда қобилиятнинг амалдаги характеристикаси ҳисобланади”.(2, Б 140)

Мустақил таълим даврида талабаларнинг касбга оид фаолиятлари натижаларини сифат жиҳатдан баҳолаш мезонларидан бири уларнинг логопедик билими ва коррекцион ишларни ташкил этиш малакасига қараб белгиланади. Шунинг учун талабалар мустақил таълим даврида ўзининг илмий-тадқиқотчилик фаолияти орқали педагогик, методик маҳоратини ривожлантириши, ўз билимларини мунтазам ошириб боришлари зарурдир.

Миллий ва хорижий манбаларни ўрганиш ва танқидий таҳлил қилиш орқали бўлажак логопедларнинг касбий компетенцияларини мустақил таълим жараёнида ривожлантиришни мақсадли ва самарали ташкил этиш мақсадида талабаларни касбий фаолиятга компетентли даражада тайёрлашнинг йўналишларини ажратиб олдик, Улар:

талабаларнинг **касбий компетентлигини** ривожлантириш ишларининг мазмунини давлат таълим стандартларида кўзда тутилган назарий ва амалий билимлар, касбий малака ва кўникмаларни кўзда тутган ҳолда ишлаб чиқиш;

талабаларда **ташкилий компетентлигини** шакллантириш учун уларда ўзини-ўзи назорат қила олиш, ўз ишини режалаштириш ва ташкиллаштиришни билиш, ўз фаолиятини ҳамкасабалари ва шериклари билан биргаликда олиб бора олиш кўникма ва малакаларини ривожлантирувчи усул, шакл ва воситаларни танлаш;

талабаларда **лойиҳалар билан ишлаш ва ижодкорликни** ривожлантириш учун ахборотни мустақил равишда қабул қилиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш, хулоса қилиш, коррекцион-педагогик жараёнларни ташкил этиш ва уларнинг натижаларни баҳолаш, амалиётда учрайдиган ностандарт вазиятларда тезкор қарор

қабул қилишга ўргатувчи иш турлари, ўқув топшириқлари тизимларидан фойдаланиш;

талабаларда мавжуд касбий ва ишбилармонлик қобилиятларини мустақил таълим амалиётига йўналтирган ҳолда уларда **касб этикаси**, муносабатлар ўрната олиш, ишбилармонлик ва тadbиркорлик ўқувларини таркиб топтириш;

талабаларда **ижтимоий компетентлилик**ни мустақил таълим жараёнида тор доирадаги мутахассислар билан учрашувлар ташкил этиш орқали шу даврда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бефарқ бўлмаслик туйғусини шакллантириш, миллий анъаналар, миллатлараро маданиятни билиш ва уларни ҳурмат қилишга, ватанпарварлик ғояларига садоқатни тарбиялашга, бўш вақтдан унумли фойдаланишга ўргатувчи усулларни топиш ва қўллаш;

бўлажак логопедларда ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда Конституция, қонунлар, кодекслардан хабардор бўлишга ўргатувчи плакатлар, буклетлардан фойдаланиш;

логопедлик фаолиятида зарур бўлган иқтисодий маданиятни талабаларда шакллантиришда талаб, таклиф ва сифат меъёрларини англаш ва бу тушанчалардан амалиётда самарали фойдаланишга тайёрлайдиган иш турлари мазмунини бошқа усуллардан фойдаланиш жараёнига оптималлаштириш;

талабаларда **экологик маданиятни** таркиб топтиришга оид ўқув топшириқларининг мазмунини ишлаб чиқишда ўлкашунослик маълумотларига таяниш ҳамда ушбу мавзуларда тadbирлар сценарийсини тузиш каби лойиҳаларни бериш тартибини йўлга қўйиш;

Бўлажак логопедларда шаклланиши лозим бўлган касбий компетенцияларни умумий тарзда туркумлаш мумкин, улар:

Элементар-соғда (академик) компетенциялар: уларнинг таркибига логопедликнинг оддий меҳнат операцияларини тақозо этувчи билим, маҳорат, лаёқатлар қаради. Улар енгил ўзлаштирилади, маълум фаолият турларида намоён бўлади;

Асосий компетенциялар: уларнинг таркибига интегратив малакаларни (ўлчаш, ҳисоблаш каби фаолиятнинг барча турларида, шахснинг дунё билан барча муносабатларида намоён бўладиган) шахснинг маънавий дунёси ва фаолият мақсадини акс эттирадиган компетенциялар.

Бўлажак логопедларнинг касбий компетенциясини ривожлантирувчи талаба шахси билан боғлиқ ижобий омилларни тизимлаштириш лозим деб ҳисобладик, улар: изланувчанлиги, ахборот коммуникация технологияларидан фойдалана олиши, педагогик технологияларни билиши ва улардан фаолиятда самарали фойдаланиши, жамоада соғлом муҳит ярата олишга таъсир этиши, вариатив иш режалар, нутқ карталари тузишни билиши, болаларда билим олишга мотивацияни уйғота олиши, ўз ҳуқуқларини билиши, молиявий саводхонликка эгаллиги, чет тилларни билиши, ҳамқорликда ишлаш қобилиятига эгаллиги, креативлиги ва бошқалар.

Илмий тadbиротларда келтирилган таърифлар, касбий компетенцияни ривожлантиришга доир тавсияларни умумлаштирган ҳолда бўлажак логопедларда қуйидаги касбий компетенцияларни шакллантириш муҳим деб ҳисоблаймиз:

Аксиологик даражадаги компетентлик. Ушбу компетенция логопедларда куйидаги кўникма, малакаларнинг шаклланишини тақозо этади: касбий дунёқарашни шакллантириш, касбий муносабатларни ўрнатиш, амалиётда учрайдиган коммуникатив муаммоларнинг сабабларини таҳлил қилиш, логопед (ўзи) ва бола шахсининг индивидуаллигини тушуниши ҳамда ўз-ўзини англаши, олдига қўйган мақсадга эришишни башоратлаш, касбий этикага эга бўлиш, ўз касбини қадрият сифатида билиши, инсонпарварлик тамойилларини қоида сифатида тан олиши ва х. лар.

Ижтимоий-ҳуқуқий компетентлик. Ушбу компетенция логопедларда куйидаги касбга доир билим, кўникма ва малакаларнинг шаклланишини талаб этади: махсус, инклюзив таълимга доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг моҳиятини билиш, касбий меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги қоида ва меъёрларига рио этиш, нутқида нуқсони бўлган болалар, ўсмирлар ва катталарни коррекцион-педагогик жараёнда салбий ташқи ва ички омиллар (ҳаёти ва соғлиқларига таъсир этувчи) дан ҳимоя қилиш, шу каби муаммоларнинг олдини олиш чораларини кўриш, олиб борган ишларини расмийлаштириш, бюджетдан ташқари маблағларни топишнинг самарали йўллариини излаш, топиш ва қўллаш ва б. .

Коррекцион-педагогик, методик компетентлик. Ушбу компетенция бўлажак логопедларда куйидаги касбга доир билим, кўникма ва малакаларнинг шаклланишини талаб этади: коррекцион-педагогик ишларни ташкил этишда ижодий муҳитни яратишнинг муҳимлигини англаш, ўз устида мунтазам ишлаш, ўз-ўзини ривожлантиришнинг турли замонавий ёндашувларини ўрганиш, уларнинг орасидан самарали деб топган янгиликларни амалиётга мослаштирган ҳолда татбиқ этиш, машғулот режасини тузиш, ишлаб чиқиш; дарс ва дарсдан ташқари фаолиятда нутқида нуқсони бўлган болалар фаолиятини самарали ташкил этиш, коррекция, компенсациянинг турли замонавий методларини, воситаларини қўллаш, шахсга йўналтирилган таълим тамойилларини, моҳиятини билиши, педагогик жараёнда улардан фойдаланиш, таълим муассасаларида турли вазифаларни бажаришга тайёр бўлиш, психологик механизмлар ва уларнинг муқобил шаклларида фойдаланиш; болаларнинг умумий ва нутқий ривожланишига тарбиявий ва коррекцион таъсир этиш ва х. .

Коммуникатив компетентлик: Ушбу компетенция бўлажак логопедларда куйидаги ижтимоий кўникма ва малакаларнинг шаклланишини тақозо этади: ҳамкорликда ишлаш, ўзаро таъсирли фаолиятни ташкил этиш, бағрикенг бўлиш, касбий ва ҳаётий муаммоли вазиятларда самарали стратегия ва тактикани танлаш, жамоада фаол иштирок этиш, нутқида нуқсони бўлган болаларнинг ижтимоийлашувига дефектологик ва амалий йўналган ёрдамларни кўрсатиш, ўз-ўзни бошқариш, баҳолаш, ривожлантириш ва илмий-методик, илмий-педагогик фаолиятида натижаларни тасаввур эта билиш ва бошқалар. (3, Б 44)

Мустақил таълим жараёнида инновацион технологияларни қўллаш орқали бўлажак логопедларнинг касбий компетенцияларини ривожлантириш масаласининг ҳал этилиши Махсус педагогиканинг мақсади, вазифалари ва методологик асослари билан уйғунлашади. Махсус педагогикада эса, қадрият, меҳр-

шафқат ва сабр-тоқат тушунчалари соҳанинг муҳим инсонпарвар тамойилларга асосланганлигидан далолат беради. Шунинг учун логопедларнинг касбий компетенцияларига ҳам амалий, ҳам методик, ҳам психологик, ҳам ижтимоий контекстларда таъриф бериш муҳим ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Вдовина С.А. Профессионально-педагогическая компетентность и ее структура // Современные направления развития педагогической мысли и педагогика И.Е.Шварца. Материалы международной научно-практической конференции.(1-2 июня 2009 г.,г.Пермь.) Часть I./Под редакцией Л.А.Косолаповой, Н.Г.Липкиной, Г.В.Похмелкиной, Перм.гос. пед. ун-т.Пермь: 2009. – С.161-166.
2. Махмудов А.Х. Компетентностный подход к подготовке магистров технических специальностей (методологические и дидактические аспекты). Монография, Ташкент, 2012.- С.168.
3. Махмудов А.Х. Таълим тизимида компетентлик асосида ёндашувнинг дидактик жиҳатлари. // Ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини оширишда инновация технологияларининг аҳамияти: Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: ЎзПФТИ, 2012. 44-б.

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИГА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ЗАРУРАТИ

Рахмонов Истам Ярикулович

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси Табиий фанлар кафедраси мудири п.ф.н., доцент

Валиева Аропатхон Ибрагимовна

Тошкент шаҳар Сирғали тумани 8-мактаб математика фани ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада бўлгуси математика ўқитувчисини инновацион педагогик фаолиятга тайёрлашда педагогик технологиялардан фойдаланиш имкониятлари тўғрисида фикр юритилади.

Калит сўзлар: Ўқитувчи, талаба, таълим, тарбия, таълим жараёни, тафаккур, билиш фаолияти, билим, метод, технология, назорат, баҳолаш.

НЕОБХОДИМОСТЬ ПРИМЕНЕНИЯ СОВРЕМЕННЫХ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ТЕХНОЛОГИЙ В ПРОЦЕСС ОБУЧЕНИЯ

Рахмонов Истам Ярикулович

Заведующий кафедры Естественных дисциплин, Академии Вооруженных Сил Республики Узбекистан, к.п.н., доцент.

Валиева Аропатхон Ибрагимовна

преподаватель математики 8-школы Сергелийского района города Ташкент

56	Кўчамдан жонон ўтганда Эрманбетова Ш.Б	314
57	Бобур ва муҳаммад солиҳ Ҳазраткулова Е.....	317

13.00.00

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ
ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
PEDAGOGICAL SCIENCES

58	Hozirgi davrda intellektual salohiyat va pedagogik intellektning ahamiyati Jo`rayeva I. P	324
59	Respublika ta'lim tizimida amalga oshirilayotgan islohotlarni tabiiy fanlarni o'qitish jarayoniga tatbiq etish Qurbanov H. X, Bekpulatov X. B	328
60	Maktabgacha yoshdagi bolalarga ingliztilini o'qitish metodikasi Ahmadjonova Q.Q	333
61	Чет тилини ўрганишда тинглаш ва гапириш кўникмаларини шакллантиришнинг ўрни ва аҳамияти хусусида. Абдуллаева Н.А	338
62	Туризм соҳаси таълимнинг ривожланиш истиқболлари Халилов Б.А	342
63	Бошлангич синф ўқувчилари билан спорт соатларини ўтказиш Исмоилов Т.....	346
64	Жисмоний маданият ва спорт соҳаси мутахассисларининг касбий компетентлигини шакллантиришда педагогик лойиҳалаштириш Караев В. Ш	350
65	Олий таълим муассасаларида биология курсини ўқитишда масофавий таълим методикаси Атамухамедова М. Р, Эркаев Э.А,	354
66	Мустақил таълим даврида бўлажак логопедларнинг касбий компетенцияларини ривожлантириш Махмудова М.С	359
67	Таълим жараёнига замонавий педагогик технологияларни қўллаш зарурати Рахмонов И.Я, Валиева А.И	363
68	Innovative technologies in distance education Muradova F.R	368
69	Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг социолингвистик компетентлигини ривожлантиришда масофавий таълим шаклларида фойдаланишнинг аҳамияти Саримсакова Д	374
70	The role of computer technologies in teaching english to secondary school students Mamedova M.A	379
71	Олий дефектологик таълим йўналишида “она тили ўқитиш махсус методикаси” модули бўйича назарий машғулотларни ташкил этишнинг самарали омиллари Тешабоева Ф.Р	383